

Европа ва Осиёнинг энг кучли гроссмейстерлари ўртасида тезкор шахмат буйица Батумида якунланган ўзига хос мусобақада ўзбекистонлик шахматчи Рустам Қосимжонов Осиё минтақаси жамоасига бошчилик қилди. Қадимий ўйиннинг европалик усталари жамоаси эса кўп қарра жаҳон чемпиони Гарри Каспаров бошчилигида шахмат сурди. Турнирнинг барча ўйинлари ниҳоятга етди ва Рустам Қосимжонов шахсий биринчилиқда ўзи учун жуда шарафли иккинчи ўринни эгаллади. У фақат Гарри Каспаров устидан галаба қозонолмади. Маълумки, ўйинни ютқизиш ҳар доим ҳам муваффақиятсизлик бўлавермайди. Рустам Қосимжоновнинг Гарри Каспаров билан учрашуви, Каспаров шўхрат чўққисига етганда шахмат билан шуғуллана бошлаган ёш ўзбекистонликнинг жуда юқори рейтингидан далолат беради.

(ЎЗА).



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 25 сентябр, сешанба № 151 (1165)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТОШКЕНТДА БОКС БАЙРАМИ

21 сентябр кўни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб профессионал боксчилар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда АКШ, Россия, Жанубий Корея, Филиппин ва Ўзбекистоннинг профессионал боксчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатда спортни, хусусан, боксни ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибори самараси ўлароқ, бугун мана шундай ажойиб бокс байрамнинг шохиди бўлиб турибмиз, - деди мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б.Махситов.

Дастлабки баҳсда россиялик машҳур боксчи, хаваскорлар ўртасида 1997 йилги жаҳон чемпиони ва Сидней Олимпиадаси ғолиби Александр Лебязк америкалик тажрибали чарм кўпоқ устаси Стейси Гудсонга қарши профессионал боксдаги биринчи учрашувини ўтказди. 6 раунд давом этиши лозим бўлган бу жангнинг дастлабки дақиқаларидаёқ А.Лебязк рақибини накутга учратиб, професси-

онал боксдаги илк галабасига эришди. Шундан сўнг, икки америкалик боксчи - Клифф Коузер ва Вилли Чепмэн рингга кўтарилди. Ўз фаолияти давомида 12 галаба қозониб, 11 мағлубиятга учраган В.Чепмэн, машҳур боксчи Майк Тайсоннинг яқин қариндоши, «Тайсоннинг эгизи» лақаби билан танилган К.Коузерга қарши 10 раундлик жанг олиб борди ва галаба қозонди.

Профессионал боксда бир марта мағлубиятга учраб, ўн тўртта жангни ўз фойдасига ҳал қилган вакилимиз Кувончбек Тайганбоев WBO версияси бўйича Осиё-Тинч океани минтақаси чемпионлиги учун жанубий корейлик Хук Жин Квонга қарши 12 раундлик жанг олиб бориш учун рингга кўтарилди. Аммо бу учрашув ҳам узоққа чўзилмади. Рақибидан анча кучли бўлган Кувончбек биринчи раунд-



нинг ўзида мутлоқ устунлигини намойиш этди ва чемпионлик камарини кўлга киритди. АҚШнинг оғир вазнли икки вакили - Росс Пьюритти ва Седрик Филдс ўртасидаги 10 раундлик жанг ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Беллашув ҳам дуранг якунланди. Америкалик боксчилар ўзаро орани очик қилгандан сўнг, рингга жорий йилда хаваскор боксчилар ўртасида Белфаст шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби Руслан Чагаев таклиф этилди.

(Давоми 4-бетда).



М. АМИН ва А РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган «Саломатлик ва тоза ичимлик суви» давлат Дастури изчил амалга оширилмоқда.

### ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Мазкур Дастур асосида учта йирик лойиҳани Жаҳон банки 8 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ билан молиялаштирди. Нукус шаҳри, Тўрткўл ва Бөрүний туманлари маркази аҳолисини узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида замонавий технологияга асосланган сув тармоқлари иншоотлари қурилди. Бу ишларни халқаро тендерда ғолиб келган «Собир Шимбар» компанияси амалга оширди.

Ана шу иншоотлардан бири - Тўрткўл шаҳар ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Лойиҳа баҳоси 2,4 миллион АҚШ доллари бўлган бу иншоотни бунёд этишда тумандаги КБ «Нур» фирмаси, «Лотус» қўша корхонаси, 35-қурилиш ташкилоти, Нукусдаги 93-қурилиш участкаси қурувчилари жонбозлик кўрсатди.

Иншоотни фойдаланишга топширишга бағишланган тантананда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңгеси Раиси Т.Камолов, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дэвид Пирс, «Собир Шимбар» компанияси раҳбари Мансур Мунтазери Намин сўзга чиқди. (ЎЗА).

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Истиклол миллий маданиятимизнинг янада юксалиши учун кенг имкониятлар очмоқда. Тўнғич театрларимиздан бири - Хамза номидаги Ўзбек давлат академик театри Ўзбекистон Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қайта тикланиб, шарқона ва замонавий мезморлик анъаналарини ўзида жам этган кўркем маданият масканига айлангани, кўни кеча эса унга расман «Миллий театр» мақоми берилгани бунинг яққол далилларидандир.

Президент Ислам Каримовнинг шу ҳақдаги фармонида мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, ватанимизнинг бой тарихи, аجدодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик гоёларини сингдиришда унинг ролини янада кучайтириш театр санъати-

буюк ўғлонлари курашмади, умрларини ана шундай улуг ишларга бахшида этмади. Бу даргоҳ саҳнасида ўзбек санъати фидойи фарзандларининг табарук излари бор.

Театрга берилган бундай улуг ном чарогон келажак умидида дунёдан кўз юмган аждодлар руҳини шод этиб, бугунги ижодкорлар зиммасига бебаҳо меросимиз, бетакор кадрларимизни замонавий руҳ билан уйғунлаштириш баробарида, миллий истиклол гоёларига ҳамоҳанг халқчил саҳна асарлари яратишдек улкан вазифа тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Маданият ишлари вазири Х.Жўраев очди.

Тадбирда мазкур санъат даргоҳининг миллий театр мақоми олгани театр санъатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилмаж муҳим воқеа экани таъкидланди. Зеро, миллий театрга эга бўлган кўни кўриш ора-сида халқимизнинг не-не

Тошкентда АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан амалга оширилаётган «Марказий Осиёда табиий захиралар бошқарувини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида жамоатчилик фикрини шакллантириш масаласига бағишланган семинар бошланди.

### ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

28 сентябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир давомида давлат ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар ва олимлар қатнашди. Иштирокчилар жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, оммавий ахборот воситалари билан ишлашга бағишланган маърузалар тинглаб, мунозаралар ўтказди. (ЎЗА).

етиш, жаҳоннинг нуфузли театрлари билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашди. Ўзбекистон халқ артистлари Е.Аҳмедов, М.Абдуқудузов, Я.Абдуллаева, Л.Саъдуллаев, Ф.Ёқубов, Тошкент Давлат санъат институти проректори Х.Икромов ва бошқалар Юртбошимизнинг мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтириш, шунингдек, ижодкорлар ҳақидаги гамхўрлиги учун миннатдорлик изҳор этиб, бу юксак эътиборга жавобан театр санъатимизни янада ривожлантиришга бор куч-гайратларини сарфлаякларини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

## Яхши ишлаб, яхши яшайётганлар ОЛТИН ДАМЛАР ҚАДРИ

Жаркўрган туманидаги «Шарқ Юлдузи» ширкат хўжалиги деҳқонлари учун бу йил омадли келди. Бунга энг аввало, пахтакор меҳнати муносиб тақдирлангани асосий сабаб бўлди.

Ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш учун хўжалик бошқаруви билан касабакўм ҳамкорлигида тадбир ишлаб чиқилди. Унда меҳнатга рағбат кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд 10 та дала шийони теримчиларнинг дам олиш масканига айлантирилди. Йиғим-теримда иштирок этаётганларга ҳар беш кунда нақд пул тўлови йўлга қўйилди. Илгор теримчилардан Ойжамол Муродова, Дилбар Одинаева, Холида Тўраеваларга энг кўп пахта тергани учун 10 минг сўмдан мукофот берилди. Беш кунда яхши кўрсаткичга эришган Нурқобил Муродов, Ботир Эшимрзаев, Холбой Остонақулов, Ислам Холбўтаев каби оилавий пудратчиларнинг ҳар бири меҳнати бир бош қўй, 50 килограмм гуруч, 15 килограмм ўсимлик ёғи ҳамда 20 минг сўм нақд пул билан тақдирланди. Йиллик режани биринчи бўлиб бажарган оилавий пудратчи эса қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди.

Касаба уюшма қўмитасининг тадбирига мувофиқ, мавсум якунида илгор оилавий пудратчи «DAEWOO» русумли рангли телевизор ҳамда ғолиб теримчига нақд 50 минг сўм мукофот сифатида берилди.

Бундай рағбатдан руҳланган миришкорлар йиллик шартномавий режани бажарган бўлсалар-да, йиғим-терим суръатини бўшаштирмаётдилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

## ҒОЛИБ «ТИКО» СОҲИБИ

Учқудуқ туманидаги «Мингбулок» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси иш ҳақидан қарздорликка батамом барҳам беришга эришди. Шуниси аҳамиятлики, хўжалиқда ижтимоий, маданий ва маиший тадбирларни уюштиришга катта эътибор берилмоқда. Бошқарув ҳисобидан уч нафар боланинг хатна тўйлари ўтказилди, боқувчисини йўқотган но-чор оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Олис яйловлардаги чўпонлар хонадорларига ун ва макарон маҳсулотлари етказиб берилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиши ҳужжатларида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш миллий юксакликка эришишининг ўта муҳим омилли эканлиги алоҳида кайд этилди. Энциклопедия тарихий ҳужжат ҳайъатимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда. Аксарият жойларда тадбиркорликка кенг йўл очилди, уларнинг имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, тадбиркорлар ишига ҳудуд-беҳудуда аралашиб, уларга ўғай кўз билан қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Буни Норин ва Янгикўрган туманлари мисолида кўриш мумкин. Янгикўргонда хусусий корхона ва фирмалар сони 233 та, яқка тартибдагилари эса 973 та деб рўйхатга олинган. Аммо гап сонда эмас, балки ишлаб чиқаришни намунали йўлга қўйиб, қўзланган мақсадга эришишдандир. Нанай кишлоғида фаолият юритаётган «Ибн Соли» хусусий фирмасининг асфальт ишлаб чиқариш цехи очилганида кўпчи-

лик қувонгани. Бироқ, бу ерда тез орада муаммо юзага келди. Яъни, транспорт масаласини ҳал этишда тегишли ташкилотлар ёрдам қўлини чўзишмади. Ваҳоланки, асфальт ишлаб чиқариш изчил йўлга қўйилса, кўпчилик наф кўради. Боз устига, муайян даражадаги кишлоқ кишлоқлари муҳим иш билан таъминланарди. Утган йили, шунингдек, Исроил технологияси асосида ишлайдиган ташхис маркази иш бошлаши кутилганди. Лекин баъзи раҳбарларнинг лоқайдлиги, кам ҳафсала-лиги сабаб муҳим иш амалга ошмай қолди. Оқибат-натияжада бир

Масалан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар ажратишда адолатсизликка йўл қўйилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида туман деҳқон тадбиркорларга берилиши лозим бўлган ун маҳсулотни кимнингдир кўрсатмасига асосан туман ҳокимлиги қошидаги истиқболли белгилаш бо-

## ТАДБИРКОРГА ҒАЙИРЛИК ҚИЛМАНГ

бахра қолди. Ҳозирги кунда «Дурдона-ТМ», «Муҳаммад Карим» хусусий корпорациялари ҳам уйлаган ишларини охирига етказишлари учун мутасаддиларнинг ёрдами зарур бўлиб турибди. Ийгилишларда, матбуотдаги чиқишларда баъзи раҳбарлар тадбиркорларга кенг йўл беряпмиз, дея гапиряшди-ю, амалда эса бошқача бўляпти, - дейди туман товар иш-лаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Равшан Абдуразоқов.

ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, меҳнат бўлими ҳисобидан хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерларга имтиёзли кредитлар ажратилмади. Фақат «Бизнес фонд» ҳисобидан биргина тадбиркор 700 минг сўм мадад пули ололди, ҳолос. Урни келганда яна бир муаммо тўғрисида тўхта-лиш жоиз: палатанинг эмин-эркин фаолият юри-тишига баъзи идоралар рўйхушлик бермаётир. Хусусан, нон ва нон маҳсу-лотлари ишлаб чиқарувчи шқармаси томонидан тасдиқланмоқда. Бундай эскича услубда ишлаш оқибатида айрим чалқаш-ликлар, тушунмовчилик-лар юзага келмоқда. Ма-салан, палата рўйхатида новвойлар сони 72 та, ҳокимият бўлимида эса 39 та, деб кўрсатилган... Та-дбиркорлик соҳасида банд бўлганлар амалда қоғоз-да кўрсатилганидан кам эканлиги мутасаддиларни неғадир ташвишлантир-маяпти. Норин тумани тадбир-корлар палатасига 134 та

### Ислоҳот йўлидаги ғовлар

юридик шахс мақомини олган корхона ва 740 нафар яқка тартибдаги тадбиркор аъзодир. Бу ерда-ги аҳвол, тадбиркорга му-носабат ҳам кутилган да-ражада эмас. Ишлаб чи-қарувчи кичик корхона-лар йўқ ҳисоби. Қўша кор-хоналар очилганда бун-га орадан афзалдир. Бо-қувчисини йўқотган но-чор оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатил-моқда. Олис яйловлар-даги чўпонлар хонадор-ларига ун ва макарон эътиборсиз қолиб кел-моқда. Мард, ишбилармон, шижоатли, ўта хўшёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд ки-шилардан афзалдир. Бобокалонимизнинг бу ҳикматида ҳаётимиз, иқтисодий ҳаётимиз учун кичик ва ўрта бизнеснинг нақадар муҳимлиги ўз ифодасини топган. Де-мак, турли боғоналарни четта суриб, миллими-з табиати, қадриятла-римизни инобатга олган ҳолда, барча ерда уни изчил ривожлантиришга эришишимиз лозим. Норин ва Янгикўрган ту-манларининг мутасадди раҳбарлари ҳам сабоқ-лардан тўғри хулоса чи-қариб, бу йўналишдаги кундалик фаолиятда из-чиллик, қатъиятлик кўрсатишлари керак. К.ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

Самарканд туманидаги «Тоҳирий» фирмаси нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам ном чикарган корхоналардан бири саналади. Фаолиятини ёғочни қайта ишлашдан бошлаган кооператив эндиликда йирик фирмага айланди. Йилга 50-60 миллион сўм соф фойда олинаётганининг ўзиёқ ишлар кўламининг қандайлигини яққол аниқлатади. Унинг таркибиде ҳозир 3 та кўшма корхона, 5 та кичик фирма бор.

жойида ҳал этилади. Ҳар бир фуқаролар йиғинида уч ойда бир марта ўтказиладиган кўча қабулда тумандаги барча корхона, муассасаларнинг раҳбарлари қатнашади. Юзма-юз мулоқот эса муаммо ечимини осонлаштиради. Муҳими, фуқаролар ортқиқа сарсон бўлишмайди. Ижро муддати ва натижаси қатъий назорат қилинади.

Масалан, Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган кўча қабулда Кусахо, Кавола, Мулиён маҳаллаларида газ, электр қуввати, ичимлик суви таъминотидаги узилишлар сабаблари ўрганилди ва камчиликлар бартараф этилди. Катта ёшдаги 50 нафар ҳамда воёга етмаган 16 нафар ногиронга ва 4 нафар етим болага моддий ёрдам кўрсатилди. Афғон урушининг ногирони А.Ҳолиқовга ёнгиндан зарар кўрган уйини тиклаш учун 500 минг сўм ажратилди.

Туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими томонидан 512 нафар иш излаётган фуқаро рўйхатга олинди. Уларнинг 265 нафари ишга жойлаштирилди, 52 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Кўча қабулнинг яна бир эътиборли жиҳати, учрашувларда фуқароларнинг фикрлари, тақлифлари ўрганилади. Туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, масъул ходимлари маҳаллаларда бўлишиб, одамлар билан суҳбатлашади. Илтимоси ёки шикоятни ўша жойда ижобий ҳал этилган фуқаро ҳоким қабулини кутмайди. Кўча қабул эркин самимий мулоқотга имкон яратди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Сидқидил тер тўкиб, юқори натижага эришиш ҳар кишига олам-олам қувонч бахш этади. Чортоқлик моҳир пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдурахимов (суратда) учун бу йилги мавсум ҳам омадли келди. Мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган миришкор туман бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришди.

Б. ҲАМРОКУЛОВ олган сурат



Термиз Давлат университетида меҳнат аҳлини, айниқса кам таъминланган оилалар, ходим ва талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида бир қатор ибратли ишлар олиб беришда, Жамоа шартномасида қўзда тутилган тадбирлар, белгиланган имтиёз ва қўлайликлар амалда ижобий натижасини бермоқда.

Олий билимгоҳнинг 410 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Касабақўм ташаббуси билан эҳтиёжманд ходимлар, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганларга, пенсионерларга бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан доимий моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина 2000-2001 ўқув йилида 282 нафар ишчи-хизматчига 1 миллион 317 минг сўмдан зиёд, 261 нафар профессор-ўқитувчига 1 миллион 705 минг сўм ёрдам пули берилди. 246 нафар ходимга 1 миллион 300 минг сўмлик муқофот пуллари ажратилди. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан ташкил этилаётган турли учрашув ва суҳбатлар ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.


Хайрли ишлардан яна бири, касаба уюшмаси томонидан мазкур илм даргоҳида меҳнат қилиб, оламдан ўтганлар оиласидан, ёлғиз кексалар қолидан тез-тез хабар олиниб, байрамларда уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Университет лимонарийсида етиштирилаётган цитрус мевалари ишловчиларга бепул тарқатилади. Яқинда 5 тонна олий навли ун, 2 тонна пахта ёғи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг арзон нархлардаги сотуви лоти жўнатмоқда.

Суратларда: корхонанинг тегирмон цехида. Юқоридаги суратда эса яқинда иш бошлаган Кува туманидаги «Она ва бола» реабилитация маркази ҳамшираси М.Рустамова.

М.КОДИРОВ ва Р.ЖУМАНИЁЗОВ (УЗА) олган суратлар.



Мустақил Ўзбекистонимизда кенг бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда замонавий корхоналар, муассасалар, шифо ва илм масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Улардан бири бўлмиш Кўнғирот ун комбинати иноқ жамоаси бир кеча-кундузда 130 тонна бугдойни янчиб, аҳолига сифатли ун маҳсу-



лоти жўнатмоқда.

Мавсум тугаса ҳам дам олиш масканлари ва сихатгоҳлар гавжум. Яқинда улар Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан кел-

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Бошлангич ташкилот кўп ишга қодир

ва мактаблар қошидаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришлари учун бепул

вият ва маърифат хонаси, «Ёш ижодкорлар» клуби, 170 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга кутубхона, 30 дан ортиқ тўғрақнинг талабалар хизматида эканини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, «Соғлом авлод» Давлат дастури асосида касаба уюшмаси қатор тадбирлари амалга оширмоқда. Хусусан, бу ердаги футбол ўйингоҳи, махсус заллар, ўндан ортиқ спорт майдончасида 3 минг нафардан зиёд ходим ва талаба спортнинг бир неча тури билан шугулланмоқда. Университет ўзининг Ж.Набиев, Т.Тўраев, О.Худойқулов, Ф.Қўлдошев каби Осие, мамлакат ва «Универсиада-2000» ўйинлари чемпионолари билан ҳақли равишда фахрланади. Бу ерда кейинги беш йил давомида 11 нафар халқроқ ва республика тоифасидаги спорт устаси тайёрланди. Бундан ташқари, касаба уюшмаси томонидан ўқув даргоҳида ҳар йили анъанавий спартакиада ўтказиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, университет жамоаси «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

П.БАКИРОВ, Термиз Давлат университети ходимлар касаба уюшма кўмитаси раиси.

ХОДИМ ВА ТАЛАБА ИЖТимоий ҲИМОЯСИ

ташкил этилди.

Ҳар бир ходим белгиланган вақтда бепул тиббий кўриққа ўтказилиб, соғломлаштириш марказида ҳамда «Ўқитувчи» санаторий-профилаторийсида ишдан ажралмаган ҳолда саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Таъкидлаш жоизки, аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилляпти. Масалан, 230 нафардан зиёд хотин-қизга 1,5 миллион сўмдан ортиқ ёрдам пули ва муқофотлар тарқатилди. Олийгоҳ қошидаги санаторий-профилаторийда 75 нафар оилали талаба фарзандлари билан соғломлаштирилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олириш касаба уюшмалари фаолиятида асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда ёзги мавсумда ёлғиз оналарнинг фарзандлари соғломлаштириш оромгоҳлари

йўлланмалар билан таъминланди.

Касаба уюшма кўмитасида ногирон, кам даромадли ва кўп болали оилалар рўйхати бўлиб, уларга мунтазам равишда кўмак бериш йўлга қўйилган. Бу мақсадлар учун янги ўқув йилида 1 миллион 200 минг сўм ажратилди. Олий йлм даргоҳининг химия ва биология факультетларида ишловчи хотин-қизлар, ёш мухтаassisлар учун хавфсиз иш шароитларини яратиш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Барча ётоқхона ва ўқув биналарида қизлар гигиенаси хоналари ташкил этилган.

Ходимлар ва талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкиллаштириш мақсадида турли маданий-маърифий кечалар ҳам ўтказилаётир. Шу ўринда Ат-Термизий номидаги ҳаваскорлар театри, «Табассум» бадий гуруҳи, маънавият академияси, 15 та маъна-

овқатлантирилади. Бирок, шароит, жиҳозлар талабга мутлақо жавоб бермайди. Электр чироклари ёнмайди. Техника хавфсизлигига риоя этилмаган ҳоллар яққол кўзга ташланади.

ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ

Унинг фаолиятдан ишловчилар нега қаноат ҳосил қилишмаяпти?

корхона ишчи-хизматчиларини ташвишлантириб келяпти. Яъни, бу ердаги ошхона талабга жавоб бермайди. Йиғилишларда, раҳбару мутахассислар билан бўлган мулоқотларда ишловчилар ишчилар ошхонасини намунали жиҳозлаш, таомлар сифатини яхшилаш масаласини кўндаланг қўйишади. Бирок, мутахассислар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Биз ҳам у ерда бўлганимизда, эътирозлар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Таъкидлашларича, ҳар семнада 33 нафар ишчи-хизматчи корхона ҳисобидан бепул

Ёмғир ёки қор ёғса, томдан чакка ўтиб, емакхона сувга тўлади. Бир вақтлар таъмирлаш баҳонасида иссиқлик батареялари олиб қўйилганди. Йиллар ўтса-да, уларни янгилаш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти. Боз устига, ҳаво алмаштириш тармоқлари ҳам тамоман ишдан чиққан. Хонани эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, гуллар келтириш ҳақида ҳеч ким ўйламайпти.

— Егин-сочинлик кунлар бошланди, дегунча юрагимизни ҳовучлаб ишлаймиз, - дейди бош ошпаз Турғун Қоражонов. - Айниқса, катта хо-

САВДО ДАЛАГА КўЧИРИЛДИ

Пахта йиғим-терими қизгин паллага кирган бир пайтда дала меҳнаткашларига матлуботчилар ҳам ёрдамга келишди. Тўрткўл туманидаги «Баракат» савдо хиссадорлик жамиятининг бешта автотўқони ҳар куни уч йўналишда пахтакорларга кундалик эҳтиёж моллари етказиб бермоқда. Улар куни-кеча «Шўраҳон», «Намуна» ширкат хўжаликлари ҳамда марказдан анча олисдаги Жамбасқалъа мавзесидаги пахтакорлар ҳузурини бўлиб, бир неча ўн миллион сўмлик савдо қилишди.

Матлуботчилар моллар турини ва автотўқонлар сонини яна учтага кўпайтиришмоқчи.

ЙИЛНИНГ «АЪЛО ҲАМШИРА»СИ

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан ўтказилган «2001 — Аъло ҳамшира» кўрик-танлови якунланди. Тадбирда Оролбўйи ҳудудидаги соғлиқни сақлаш муассасаларидан 24 нафар ҳамшира иштирок этиб, мураккаб экологик шароитда истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактик ишларни намунали уюштириш, айниқса оналар ва болалар ўртасида учрайдиган касалликларни даволаш усуллари борасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Танлов якунига кўра 2-марказий республика касалхонаси ҳамшираси С.Авазова Галиба деб топилди ва муносиб тақдирланди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Луқма

нанинг иситилмаслиги, жиҳозларнинг гоётда эскирганлиги ишловчиларда норозилик уйғотмоқда. Айтиш нуқулмай, бирок совуқ кунларда ишчилар овқатланишга пальтода келишади. Қаҳратон қишда эса ошхонада одам сийраклашиб қолади...

Корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Абдулазиз Хидировнинг сўзларига қараганда, долзарб масала неча бор мутасадди раҳбарлар олдида кўндаланг қўйилганига қарамасдан, ишчилар ошхонасига етарли эътибор бўлмаёпти. Сабабини билиш мақсадида корхона раҳбари Акбар Нуралиевни узоқ вақт кутдик. Бирок, у билан рўбарў бўлиш насиб этмади. Балки у нуқулдай ахволга тушмаслик учун шундай қилгандир. Бирок, бахона ва ўзини четга олиш билан иш битмайди. Ҳадемай совуқ кунлар бошланади. Ишчи-хизматчилар эса: тузукроқ ошхонага қанон ёлчиймиз, дея ўринли савол беришмоқда.

О.САИДОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ибрат «Сахийликда ҳикмат кўп» дейишади. Шу боисдан ҳам кам таъминланган оилаларга кўмак беришни истаганлар бу савобли ишни асло қанда қилишмайди.

СОВФА

Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «2001 йил — Оналар ва болалар йили» муносабати билан кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси сахийлик қўлини чўзди.

— Камхарж оилаларнинг фарзандларига янги ўқув йилида дарсликлар сотиб олиш учун 349 минг сўм ажратдик, — дейди вилоят тармоқ кўмитаси раисининг муовини Н.Ёқубов. — Дарсликлар Бойсун, Сариев, Музработ туманларидаги оилалар фарзандларига берилди.

Д.РУСТАМОВ.

ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИ НАМАНГАН СИҲАТГОҲЛАРИДА

Наманган азал-азалдан осмонўпар тоғ ва адирлари, мойи сойлари ва дарёлари, бепоён боғлари билан тилга тўшган. Шу боисдан бу ерда оромгоҳ ва сихатгоҳлар кўп. Бу йилги ёз мавсумида Оролбўйидан келган 2 минг нафарга яқин мак-

таб ўқувчилари вилоятдаги сўлим оромгоҳларда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамладилар.

Мавсум тугаса ҳам дам олиш масканлари ва сихатгоҳлар гавжум. Яқинда улар Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан кел-

ган 360 нафар аёлни қабул қилиб олди.

Меҳмонлар вилоятнинг Чортоқ, Косонсой, Учқўрғон туманларидаги сихатгоҳларда ҳордиқ чиқаришяпти.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

# OLAMIDA NIMA GAP

## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Владимир Путин Россия АҚШнинг антитеррористик операцияларини ўтказишида кенг қўламли ёрдам беришини маълум қилди. Жумладан, Америка самолётларига Россия ҳаво сарҳадлари очиб берилди. Американинг Time журнали шу ҳақда хабар берди. Мазкур нашрнинг ишончли манбаларга асосланиб ёзишча, Владимир Путин ва Жорж Бушнинг телефон орқали салкам бир соатли мулоқотидан сўнг шундай қарорга келинган.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ РОЗИЛИК БЕРМАДИ

Саудия Арабистони мамлакатда жойлашган АҚШ ҳарбий базаларидан толибларга қарши операцияларда фойдаланишга розилик бермади. Washington Post газетасининг таъкидлашича, Саудия Арабистонининг бу қарори Америка ҳарбийлари режасига анча пурта етказди ва операция бошланишини орқага суриши мумкин. Газетанинг хабарига қараганда, АҚШ давлат котиби базалардан фойдаланишга розилик олиш учун қаттиқ киришган. Агар шу розилик олинмаса, ҳаво кучларини бошқариш тизимини бошқа давлатга ўтказишга тўғри келади. Шу билан бирга Washington Postнинг ёзишича, Пентагон мутасаддилари ушбу ахборотни изоҳлашдан бош тортишган.

қарори Америка ҳарбийлари режасига анча пурта етказди ва операция бошланишини орқага суриши мумкин. Газетанинг хабарига қараганда, АҚШ давлат котиби базалардан фойдаланишга розилик олиш учун қаттиқ киришган. Агар шу розилик олинмаса, ҳаво кучларини бошқариш тизимини бошқа давлатга ўтказишга тўғри келади. Шу билан бирга Washington Postнинг ёзишича, Пентагон мутасаддилари ушбу ахборотни изоҳлашдан бош тортишган.

қарори Америка ҳарбийлари режасига анча пурта етказди ва операция бошланишини орқага суриши мумкин. Газетанинг хабарига қараганда, АҚШ давлат котиби базалардан фойдаланишга розилик олиш учун қаттиқ киришган. Агар шу розилик олинмаса, ҳаво кучларини бошқариш тизимини бошқа давлатга ўтказишга тўғри келади. Шу билан бирга Washington Postнинг ёзишича, Пентагон мутасаддилари ушбу ахборотни изоҳлашдан бош тортишган.

## ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

АҚШда яқинда содир этилган террористик акт қурбонлари хотирасига бағишлаб хайрия марафони ўтказилди. Унда таниқли актёрлар, кўшиқчилар, жамоат арбоблари

катнашди. Марафон Американинг 31 та телекомпанияси орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди. Уни 156 мамлакатдан 59 миллиондан ортиқ киши кўриш имконига эга бўлди.

## МОТАМ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

АҚШда террористик акт муносабати билан эълон қилинган мотам тугади. Аввалига 16 сентябргача эълон қилинган мотам,



кейинроқ Жорж Буш кўрсатмаси билан 22 сентябргача узайтирилган эди. Ана шу 11 кун мобайнида барча муассасаларда давлат байроқлари туширилди.

Давлат байрогини кўтариш тадбири Жорж Бушнинг шаҳар ташқарисидagi Кэм-Дэвид қароргоҳида бўлиб ўтди. Шу кундан бошлаб, сайёҳларга фожиа содир бўлган жойни бориб кўришларига рухсат этилди. Кутқарув ишлари эса ҳануз давом этмокда. АҚШ ҳукумати вакиллари-нинг хабарига қараганда, савдо марказининг ўзида 6827 киши ҳалок бўлган. 6453 киши бедарак йўқолган.

## ЧЕЧЕНИСТОН ҲАМОН НОТИНЧ

Газетамизнинг ўтган сонидида икки жангари Чечен милиция бўлинмасига қаршилик кўрсатиш жараёнида ўлдирилгани ҳақида хабар қилган эдик. Россия ИИВнинг Хонқалъадаги



матбуот марказида ушбу тўқнашув хусусида муфассал маълумот беришди. Уларнинг дараклашича, мазкур жангарилар бир нечта қотилликлар содир этишган. Жумладан, улар

томонидан Гехи-Чу қишлоқ маъмуриятининг бошлиғи Айдемиров ва унинг хотини ўлдирилган. Экс-



пертизада аниқланишича, Урус-Мартан тумани ички ишлар бўлимига қарашли УАЗ автомашинаси ҳам айнан жангарилар ёнидан чиққан автоматдан ўққа тутилган.

Матбуот марказининг хабар беришича, ўтган ҳафта мобайнида федерал кучлар 38 кишини йўқотган. 117 марта қуролли тажовуз юз берган. Старопроектислов, Ведено, Шали, Гудермес туманларида айниқса жангарилар ҳаракати фаоллашган. Ўтган ҳафта мобайнида федерал кучлар жангарилар базасини яқсон этишган. Олтмиш нафар жангари ўлдирилган.

## ШУМ РЕЖА БАРБОД БЎЛДИ

Исроил махфий хизмати вакиллари Тель-Авив шаҳри марказидаги осмонўпар эгизак бинони портлатишга бўлган уриш бартараф этилгани тўғрисида хабар тарқатишди. Маълумотларга қараганда Фаластин экстремист гуруҳларидан бири бино пастига портловчи модда тўлдирилган машинани ташлаб кетган. Ушбу террорактда гумон қилинган Фаластин озодлик халқ фронтининг икки аъзоси ҳибсга олинган. Улар Самаҳ Жибрил ва Рами Катунни бўлиб, таъкидлашларига, Суриядаги ҳарбий лагерда жанговар тайёргарликдан ўтишган. Террорчилар Исроилдаги қатор ҳарбий ва фуқаро иншоотларида террорактлар уюштириш ниятида бўлишган.

Ушбу осмонўпар бинолардан бири 50 қават, иккинчиси эса 46 қаватдан иборат. Террорчилар ҳар қандай қурол-яроғ турларидан усталик билан фой-

далана олиш кўникмасига эга бўлишган.

## САХАЛИНДАН ЯПОНИЯГАЧА ТЕМИР ЙЎЛ

Яқин кунларда Сахалин оролини материк билан боғловчи кўприк қурилади. Россия 'Алоқа вазири ўринбосари Александр Мишарин шу ҳақда маълум қилди. Шу кунгача турли муассасалар мазкур лойиҳани қувватлаб келди. Бундан ташқари, Сахалиндан Япониягача темир йўл қуриш лойиҳаси устида ҳам иш олиб бориляпти. Юқоридаги лойиҳани амалга ошириш октябр ойдан бошланади. Бироқ Хабаровск ўлкаси губернаторининг фикрига қараганда, мазкур лойиҳа ўзини оқламайди. Унинг айтишича, агар бу йўлдан йилига 10 миллион тоннагача юк ўтсагина, у фойда келтириши мумкин.

## ХИТОЙ МАШИНАЛАРИ ЕВРОПАГА

Швециядаги Volvo концернининг юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи бўлинмаси — Volvo Global Trucks билан Хитойнинг турдош компанияси қўшма корхона тузиш бўйича бир битимга келишди. Бунинг учун барча ҳужжатлар тахт қилиб қўйилган, фақат Хитой ҳукумати шартномани тасдиқлаши керак, холос. Корхонанинг Хитой томони раҳбари Ма Чунцзининг айтишича, қўшма корхонани тузишдан мақсад, мамлакат автомобилларининг Европа бозорларидаги мавқеини ошириш.

## ТАКСИ ЧАҚИРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Англия таксилари учун автомобиллар ишлаб чиқарувчи Mandaneze Bronze компанияси такси чақиришнинг янги усулини амалга киритмокчи. Улар таксиларга махсус навигацион тизим ўрнатилди. Бу эса уяли телефон орқали бемалол бўш таксига уланиб, уни тегишли жойга чақириш имконини беради.

Интернет хабарлари асосида Аскар ШОКИР тайёрлади.



## ВАШИНГТОН. АҚШ НЬУ-ЙОРК ВА ВАШИНГТОНДА СОДИР ЭТИЛГАН ҲАРАКАТЛАРИДА УСАМА БИН ЛОДИННИНГ ҚЎЛИ БОРЛИГИНИ ИСБОТЛОВЧИ АНИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ БЕРИШНИ РЕЖАЛАШТИРАЁТИР.

Давлат котиби Колин Пауэлл шуни маълум қилди. Унинг айтишича, ҳозир бин Лодин раҳбарлик қилаётган «Ал-Қоида» ташкилоти ҳақида маълумот йиғиш ишлари давом этмокда.

АҚШ ҳукумати Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан жорий этилган иқтисодий жазони бекор қилди. Президент Жорж Буш тегишли вазирликларга бу ҳақда қўрсатма берди. Иқтисодий жазо 1998

йилда, Ҳиндистон ва Покистонда ядро синаовдан сўнг ўтказилгандан сўнг жорий қилинган эди.

БУДАПЕШТ. Венгрияда Интерпол Бош ассамблеясининг 70-сессияси бошланди. Унда 178 мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан вакиллар иштирок этмокда. Анжуманда халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес ва қурол-яроғнинг гайриқонуний савдосига қарши ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ТОКИО. Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Оқ Ислом маданияти уй раҳбари Жорж Буш билан учрашни мақсадида АҚШга топширилиши лозим, деган мазмунда баё-

БОГОТА. Колумбия Ислом маданияти уй раҳбари Жорж Буш билан учрашни мақсадида АҚШга топширилиши лозим, деган мазмунда баё-

нот тарқатди. Марказ раҳбари Хулиан Сапатанинг айтишича, Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган террорчилик ҳаракатларида бин Лодиннинг қўли борлиги исботланса, у олий жазога тортилиши зарур.

ТЕХРОН. Эрон афғон қочқинлари учун икки юз минг кишига мўлжалланган саккизта лагер ташкил қилди. Маълумотларга қараганда, ҳозир Эрон ҳудудида 2,8 миллион нафар афғонистонлик қочқин бор.

ТОКИО. Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Оқ Ислом маданияти уй раҳбари Жорж Буш билан учрашни мақсадида АҚШга топширилиши лозим, деган мазмунда баё-

БАҒДОД. Эрон президенти Муҳаммад Хотамий Сурия раҳбари Башар Асад билан телефон орқали суҳбатлашиб, АҚШнинг Афғонистонга режалаштираётган ҳужуми билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Уларнинг фикрича, ҳар қандай ҳарбий тадбир БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши лозим. Бир томонлама ҳаракат жиддий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин, деди президентлар.

(ЎЗА).

# OLAMIDA NIMA GAP

## ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб

Тадбиркорлик билан шуғулланмокчи бўлган барча шахслар ўз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида «бир идора орқали» шаклида махсус ташкил қилинган бўлимларига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- якка тартибдаги тадбиркорлар учун 4 та ҳужжат; давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;
- 3x4 ўлчамли иккита фотосурат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
- муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт.
- юридик шахслар учун 6 та ҳужжат: ариза; корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси; тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати; фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома; муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).
- фермер хўжаликлари учун 8 та ҳужжат; ариза;

қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори; Низомнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси; тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати; фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома; танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари; муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

Солиқ инспекцияси, статистика органлари ва Ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва рухсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар 8 кунда, юридик шахслар ва фермерлар 12 кунда тўлиқ таъсис ҳужжатларини ўз қўлига оладилар. Рўйхатдан ўтказиш идораларига топшириладиган таъсис ҳужжатларини туман ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб берадилар.

## КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ АСОСИ

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган «Конституция - бахтимиз асоси» мавзусидаги танловнинг натижалари босқич бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичида ёғлиб чиққан ўқувчилар диктант, баён, ишчи ёзиш, сурат чизиш ва альбом тайёрлаш бўйича ўзаро куч синашди.

ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танловда Чимбой туманидаги 44-мактаб ўқувчиси Нурсулв Отабоева, Нукус шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Зулайхо Холмуродова, 20-мактаб ўқувчиси Ренат Айтмуратов, Беруний туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Зебо Отаниёзова ҳамда Тўртқўл туманидаги 30-мактаб ўқувчиси Аваз Аметов биринчи ўринни эгаллади.

Ҳалилар танловнинг декабр ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган якуний босқичига йўлланма олди.

## ФЕРМЕР КОМПЬЮТЕР СОТИБ ОЛДИ

Эндликда фермер хўжалигидаги барча ҳисоб-китоб ишлари, банк билан алоқалар компьютер орқали амалга ошириладиган бўлди.

Тажрибали қишлоқ хўжалик мутахассиси Шамшаддин Қайпов етакчилик қилаётган Нукус туманидаги «Рамуз» фермер хўжалиги бу йилги даромади ҳисобига шунга эришди. Фермер хўжалиги 20 гек-

тар ерда дехқончилик қилиб, полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштирди. Сув тақчиллиги шароитида ундан оқиллона фойдаланиш, ишни тўғри ташкил этиш эвазига помидор, мош, оқ жүхори, қовоқ, қовун-тарвуздан мўл ҳосил олинди. Маҳсулотнинг асосий қисми туманда янги ишга туширилган тамак пастаси ишлаб чиқарувчи корхонага топширилди, ортиқчаси шаҳар бозорларида сотилди. Бугунги кунда кузги ҳосил йиғиштириш ишлари жадал олиб борилмокда.

(ЎЗА).

**Хар гал кашқадарёлик машхур Бахром полвон билан учрашганимда. Қарши Давлат университети жисмоний тарбия факультетининг собик декани, мархум Ёдгор Худойбердиевнинг порлок хотираси хаёлимда жонланади. Миллий курашчи жони дилдан севган бу ажайиб инсон кўлаб ёшларга устозлик қилди, муносиб шогирдлар еттиштирди.**

— Шундай вақтлар келдики, ўзбек кураши жаҳон майдонига чиқади, — деган эди Ёдгор ака учрашувларнинг бирида. — Аминман: Алпоминс юрти бўлган она дёвримиз полвонлари Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёдидан кунлар яқин.

Спорт жонкуярининг орзулари амалга ошди. Халқроқ Кураш Ассоциацияси иш бошлади, бир неча мартаба жаҳон, китъа биринчиликлари, турли турнирлар зўр муваффақият билан ўтказилди. Ёдгор аканинг яқин қариндоши ва шогирди Бахром Авазов эса бир неча марта жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

# ҚАШҚАДАРЁ ФАХРИ

Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида Венгрияда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича III жаҳон биринчилигида дунёнинг 28 мамлакатидан келган полвонлар мутлоқ чемпионлик учун беллашдилар. Ҳамюрти-миз Бахром Авазов Тожикистон, Россия, Ирландия, Монголия ва бразилиялик беш полвоннинг курагини ерга тегизди.

Бахром Фузорнинг Сийроқ қишлоғида туғилиб во-

**Полвонлари бордир бу элиниг**

яга етган. Авлод-аждоқлари ҳам полвон ўтишган. Босиб Қодир полвон Бухоронинг доврўғли полвонлари сохибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб Шаҳрисабзда уюштирилган халқроқ турнирда ўз вази биринчи жаҳон чемпионатида бронза медалини кўлга киритган полвон ўтган йили Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи жаҳон чемпионатида ҳам ҳурмат шоҳсупасига кўтарилди.

— Кураш менинг хаётим, — дейди маҳоратли полвон Бахром Авазов. — Усиз хаётимни тасаввур эта олмайман.

Қашқадарё фахри Бахром Авазовнинг ўзи каби донгдор шогирдлари бор. У бугун жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаб келатган Алишер Мухторов, Элбек Орипов, Нурали Нормаматов, Исроил Авазов каби полвонлар билан ҳақли равишда фахрланади.

1996 йил унинг учун чинакамга омадли келди. Қадимий ва хамиша навқирон Шаҳрисабзда ўтган халқроқ турнирда мутлоқ голибликни кўлга киритиб, Президент соврини — «Нексия» автомашинаси билан мукофотланди. Пахлавон Маҳмуд хотирасига бағиш-лаб 1998 йилда Хоразмда ўтказилган халқроқ турнирда яна мутлоқ чемпион бўлди.

1999 йилда Тошкентда,



**Касаба уюшма тадбири**

ларнинг пойтахтимиздаги энг нуфузли спорт жамуаларидан бирида ташкил этилгани, иштирокчиларнинг кўтаринки руҳда қатнашганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Спартакиада натижаларига кўра, шахмат мусобақаларида омад Тошкент вилояти жамоасига кулиб боқди. Шашка доналарини суришда эса навоийликларга тенг келадиган рақиб топилмади. Эраклар

**ШУХРАТ САФИН - ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ**

Тошкентда шахмат бўйича эраклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати (олий лига) якунланди. Шахмат тожи учун мамлакатимизнинг саккиз нафар кучли гроссмейстери кураш олиб борди.

Шухрат Сафин Самарқанд шахмат мактабининг энг яхши аъёнларини яна бир бор исботлаб, мамлакат чемпиони бўлди.

— Шухрат саккиз имкониятдан энг кўп - 6,5 очко тўплади, бу чемпионатнинг энг юқори натижаси бўлди ва чемпионлик унвонини Сафин фойдасига ҳал этди, — деди мамлакат терма жамоаси тренери Тоҳир Воҳидов.

— Иккинчи ўринни Владимир Егин, учинчини - Саидали Йўлдошев эгаллади.

Етакчи шахматчиларимиз иккита йирик халқаро турнирда иштирок этди. Октябр ойида Ереванда жамоалар ўртасида жаҳон чемпионати бошланади, ноябрда эса Москвада шахсий биринчилик ўтказилади ва у ерга жаҳоннинг энг кучли шахматчилари тўпланади.

Ереванда бизнинг шахматчиларимиз Осиев шарафини ҳимоя қилади. Бу жуда шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифадир. Ҳозир барча кучлар мазкур чемпионатга тайёргарликка сафарбар қилинади. Мусобақа давомида биз дунёнинг энг кучли гроссмейстерлари билан куч синашамиз.

(ЎЗА)

# Сиз кутган учрашув

## Евгений Кафельников: ЎШАНДА ТУННИ БЕДОР ЎТКАЗГАНДИМ

**Машхур теннисчи спорт ва оиласи ҳақида**

— Евгений, «Президент кубоги» финалини қандай баҳолайсиз?

— У мен учун мавсумдаги энг бўш ўйин бўлди. Ва бу финалда Сафиндан мағлубиятга учрашимнинг бир қатор сабаблари бор. Аввалам бор ярим финал баҳсидан сўнг кучимни тиклашга улгурмадим — сўзлар Доминик Хрбаты билан учрашув жуда оғир кечди. Ўйин бир неча соат давом этди. Ҳар бир тўп учун курашишга тўғри келди.

— Матбуот анжуманларидан бирида Хрбаты сизни «менинг мижозим» деб атади...

— Бу гал чиндан ҳам менга омад кулиб боқди. Шундайки, ўйин тақдирини бир зарба билан ҳал бўлди. Ушбу матчда мен жароҳат олдим — кўлим шилиниб кетди. Оқибатда финал баҳсимиз асоси шифокор тўрт марта қайта-қайта кўздан кечиришга мажбур бўлди.

Қолаверса, ўша кунни кайфиятим ҳам яхши эмасди. Бунга эса оилавий келишмовчиликлар сабаб. Финал олдида бутун тун ухламай чиқдим. Чунки кечкурун хотиним Маша кўнгирак қилиб, ота-оналарим билан гаплашди. Улар қизим Олесияни олиб мен билан Тошкентга келишганди. Бу сўхбат мени қаттиқ ранжитди. Ўртаимиздаги ришталарнинг узилишига сабаб эса, таъминланган кишиларни тўзоголи интиришни касб қилиб олган диний секталардан бирига унинг боғланиб қолганидир. Бу ботқоқдан чиқиб олишга ўзида куч-ирода топади, деган умиддаман. Бир сўз билан айтганда, ўша кунни изтиробда эдим...

— Тошкент турнирининг асосий хулосасини сиз нималарда кўрасиз?

— Ушбу мусобақалар шарафати ила мен жаҳон рейтингинда олтинчи ўринда мустаҳкамланиб олдим. Бу демакки, Сиднейга «Мастерс кап» турнирида қатнашиш ҳуқуқини қарийб кўлга киритдим. Умуман, Тошкентда ҳамшира омадим чопати. Бу ердаги самимият, меҳмоннавозлик, иқлим мени жуда ўзига тортади. «Президент кубоги» энг сеvimли турнирларимдандир. Дўстим Марат Сафиннинг «менинг турнирим» деган сўзлари унинг



илтифот Ўзбекистонда теннисга қандай муносабатда эканликларини яна бир қарра намойиш этди. Назаримда, теннис Ўзбекистонда миллий спорт турига айланиб бормоқда. Унинг мевалари ҳозирдан кўриниб қолди: бултур Ирода Тўлаганова ўсмирлар ўртасида Уимблдон турнирида голиб қилди, бугунга келиб бу истеъдодли қиз жаҳон рейтингинда 24 ўринни эгаллаб турибди. Мен хатто ўша галабадан сўнг Ислом Каримов унга «қизим Ирода» дея мурожаат қилганини эшитдим. Давлат раҳбарининг бундай оталарча ғамхўрлиги ўз самарасини бермай қўймайди, албатта. Биз Ислом Абдуғаниевич билан жуда яхши, илққ муносабатдаимиз ва мен ўзимни Тошкентда уйим-идагидек ҳис қиламан. Бу мени муҳлислар худди ўз оқиблари каби кутиб қилиб, қизгин кўлаб-қуватлашларида ҳам намоён бўлмоқда. Бошдан кечирганимиз ўн кунлик байрам ҳам буни тасдиқлайди.

— Афсуски, Қўшма Штатларда юз берган фожеа ўз кўнакасини ташлади...

— Шубҳасиз. Биз ҳаммамиз бу даҳшатдан ўзимизни қўйгани жой тополмадик. Худди шу воқеадан сўнг янги террорчилик ҳаракатлари содир этилишидан хавотирга тушган АТФ раҳбарияти мазкур турнирда иштирок этишни давом эттириш ёки уни тарк этиш ихтиёри ҳар кимнинг ўзида эканлиги ва бунинг учун ҳеч қандай жазо чоралари қўлланилмаслиги тўғрисида АТФ штаб квартирасидан халт йўллади. Бироқ биз ўзимизни қуршаган эътибор ҳамда ғамхўрликни ҳис қилмоқда эдик ва ҳеч бир теннисчи кетишини хаёлига ҳам келтирмади.

**Валерий БИРЮКОВ.**  
P.S. Сочи судининг қарорига кўра Олесия ҳозирча Евгений ва унинг ота-онаси қарамоғида қолади.  
(«Труд» газетасининг 22 сентябр сонидан).

# ТОШКЕНТДА БОКС БАЙРАМИ

**(Боши 1-бемда)**

Унинг рақиб вази 117 килограмм бўлган америкалик Эврит Мартин эди. 6 раунд давом этиши лозим бўлган ушбу жанг ҳам муддатидан олдин интиҳо топди. Э.Мартин нокаут ҳолатига тушмаган бўлса-да, Р.Чагаевнинг чаққон ва залворли зарбаларига дош бера олмади ва унинг секундантлари боксчи жангини давом эттирмаслигини маълум қилди. Шундай қилиб, профессионал боксдаги илк қадамини ўз она юртида қўйган Р.Чагаев биринчи жангини муддатидан олдин муваффақиятли якунлади.

Энг сўнгги жанг IBF версияси бўйича Пан-Осиев чемпионлиги учун бўлиб ўтди. Унда «Сидней-2000» голиби Муҳаммадқодир Абдуллаев филиппинлик Рэй Пелонияга қарши рингга чиқди. Бунгача профессионал рингда уч мартада иштирок этган вакилимиз тажрибали рақибига имконият қолдирмади. 12 раунд давом этиши лозим бўлган бу учрашув иккинчи раунддаёқ якунланди. М.Абдуллаев профессионал боксдаги галабалари сонини тўрттага етказди ва чемпионлик камарини кўлга киритди.

Хаваскор боксчиларимизнинг жаҳон майдонларида эришаётган зафарлари кўпчиликка маълум. Бугун улардан дунёнинг етакчи боксчилари ҳисобланадиган кубаликлар ҳам ҳайкиб туради. Эндиликда профессионал боксчиларимиз ҳам ана шундай дивруғ қозона бошлади. Илк профессионал боксчиимиз Артур Григорян кўлга киритаётган галабалар унинг йўлини танлаган бошқа спортчиларимизга ҳам ёр бўлсин!

**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ**  
(ЎЗА).

# «СПАРТАКИАДА БИР УМР ЁДИМИЗДА ҚОЛАДИ»

Ўзбекистон Миллий банки спорт клубининг жисмоний соғломлаштириш жамуасида Ёқилги-энергетика, геология ва кимё сановати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг кўма кубоги учун аъёнларини IV спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тармоқ мөхнатқашлари иштирок этдилар.

— Мазкур спартакиаданинг биринчи босқичи шу йилнинг март-апрел ойларида жойлардаги қорхона ва ташкилотларда ўтказилган эди, — дейди Марказий кўмита раиси Алишер Гуломов. — Вилоятлар миқёсида бўлиб ўтган мусобақалар голиблари учинчи босқичда куч синашдилар.

Таъкидлаш лозимки, тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси тадбирнинг аъло даражада ўтиши учун бор имкониятни ишга солди. Мусобақа-

ртиндорлар сафидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, спартакиаданинг кўма кубогини кўлга киритди. Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳри жамоаларига кейинги ўринлар насиб этди.

Ҳали ва совриндор жамоалар тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совгалари билан тақдирландилар.



**М.ДАВРОН, «Ишонч» мухбири.**

# Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари

Ҳам Лушан, Ирисметов ва Ширшовларнинг қатнаша олмаганлиги масалага нукта қўйганини мана бугун кўриб, билиб туришимиз. Беихтиёр жамоа тақдирини ишониб топшириб қўйганимиз

ўхшаш ўйинчилар тўп суришадими? Зиданини кўя турайлик — унинг командаси жаҳон чемпиони сифатида тўғридан-тўғри Корея ва Японияга боради, Роналдонинг Бразилияси-чи? Лотин Америка-

# Куз яримлаб қолган бўлишига қарамай, афсуски, тарвуз хом чиқди. Албатта, жуда кўп жойларда «деҳқончилик» қилган В.Сальков бу гал ҳам сўвдан қуруқ чиқиб кетишига уриниб кўради. Бахона хамиша топилади, бизнинг ишонини ё ишонмаслигини эса уни мутлақо кизиқтирмайди: «Мен кўлимдан келган ҳамма ишни қилдим», деб туриб олаверади. «Ёқмасан кетишим мумкин», дейди у яна ранжиган бўлиб...

Шундай қилиб, неча ойларки ўзбекистонлик футбол муҳлислари дил тўрида авайлаб-асраб турган умид йўққа чиқди. Юзага келган аҳволдан энди фақат тасодиф кутқариб қолиши мумкин. Аммо ҳаёт қонуниятларидан яхши хабардор кишилар сифатида шуни ҳам биламизки, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди. Айниқса, терма жамоамиз БАА билан ўтказилган иккинчи учрашувни ҳам бой бергач, кутадиган нарсанинг ўзи қолмади. Ҳар қанча аламли бўлмасин, буни тан олишга мажбурмиз.

Келинг, ўз сеvimли жамоасининг ашаддий муҳлиси эканлигимизни бир зумга унутайлик-да,

холисона фикр юритайлик: Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳ голиби бўлишга имкониятлари етарли эдимиз? Шубҳасиз, йўқ эди, дея жавоб қилувчилар жуда озчиликни ташкил этади. Бу шунинг учунки, хитойлик футболчиларнинг тиришқоқлиги-ю араб футболчиларнинг ўзига хослигини асло ўзгартмаган ҳолда Ўзбекистон терма жамоаси чиндан-да энг кучли таркибга эга эди, десак асло муболага бўлмайди. Хатто буни кунни кеча Тошкентда Бирлашган араб амирликлари термасига қарши майдонга тушган футболчиларга нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Қосимов, Хвастунов, Давлетов, Власичев, Ба-

қов... Фақат ўйин тажрибаси етишмади. Мутахассислар тили билан айтганда, кўникама йўқлиги панд берди. Ва бу биз спорт шарҳловчиларига бир ҳафтадан бери тинчлик бермаётган фикрни яна бир қарра тасдиқдан

**ISHONCH**

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:** Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 22.10

**Масъули:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Намр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Ўлчамини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6